

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЮЛДАШЕВА РАЪНО АБДУРАШИДОВНА

**ЧИГИТИДА (+)-ГОССИПОЛ МИҚДОРИ ЮҚОРИ ҲАМДА ҚИММАТЛИ
ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ МАЖМУАСИГА ЭГА
БЎЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)
on agricultural sciences**

Юлдашева Раъно Абдурашидовна

Чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ҳамда қимматли-хўжалик
белгиларининг ижобий мажмуасига эга бўлган ғўза навлари
селекцияси.....5

Юлдашева Раъно Абдурашидовна

Селекция сортов хлопчатника с высоким содержанием (+)-госсипола в семенах
и обладающих комплексом положительных хозяйственно-ценных признаков
.....27

Yuldasheva Rano Abdurashidovna

Breeding of cotton varieties with high level of (+)-gossypol in seeds and combining
of high parameters of valuable agronomic traits.49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЮЛДАШЕВА РАЪНО АБДУРАШИДОВНА

**ЧИГИТИДА (+)-ГОССИПОЛ МИҚДОРИ ЮҚОРИ ХАМДА ҚИММАТЛИ
ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ИЖОБИЙ МАЖМУАСИГА ЭГА
БЎЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Qx56 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Намазов Шадман Эргашович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашев Ибрагим Ташкентович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Мамарахимов Бунёд Икромович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Ризаева Сафия Мамедовна

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

М.М. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида ғўза ўсимлиги нафақат толаси, балки чигитдан олинадиган маҳсулотлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ғўза чигитида 15-29% мой ва 22,0-22,5% оқсил бўлади. АҚШ статистика хизмати маълумотида асосан, 2010-2011 йилларда пахтачилик билан шуғулланувчи давлатларда 15,7 миллион тонна чигит етиштирилган. Маълумки, пахта чигити таркибида 22,5% га яқин юқори сифатли оқсил мавжуд бўлиб, етиштирилган шунча чигитдан 3,5 млн. тонна оқсил олиш ҳамда 170 млн. аҳолини оқсилга бўлган талабини қондириш (USDA ҳисоб-китоби талабларига кўра кунига бир одамга 56,5 г оқсил меъёри тўғри келади) мумкин. Бироқ, чигит таркибида захарли госсипол моддаси борлиги учун ундан олинадиган оқсилдан чорвачиликда ва халқ хўжалигида фойдаланиш чекланган.

Жаҳонда ғўза селекцияси борасида фаолият кўрсатаётган олимларининг изланишлари натижасида госсипол иккита хемигоссипол молекуласининг эркин радикал бирикиши натижасида ҳосил бўлиши тасдиқланган. Госсиполнинг икки хил актив оптик энантиомерлари, яъни (+)- ва (-)-госсипол шакллари мавжудлиги ҳамда районлаштирилган ғўза навларида уларнинг нисбати тахминан 3:2 эканлиги ҳамда энантиомерлар кавш қайтармайдиган ҳайвонларда турли захарланишга олиб келиши аниқланган. Дастлабки изланишлар асосида (+)-госсипол миқдори юқори чигитлардан кавш қайтармайдиган ҳайвонларни боқишда фойдаланиш мумкинлиги, (-)-госсиполли чигитлар эса ушбу ҳайвонларнинг ўсишини тўхтатиши аниқланган. Ғўза турлари ва навларига боғлиқ равишда чигитдаги умумий госсипол миқдори турлича (*G.barbadense* L. – 1,51-2,35%; *G.hirsutum* L. – 0,7-1,32%; *G.herbaceum* L. – 0,21-0,68%; *G.arboreum* L. – 0,20-0,88%) бўлиб, госсиполнинг мой сифатига ҳамда организмларга салбий таъсири тасдиқланган. Чигитдаги госсиполни физикавий ёки кимёвий усулда тозалаш маълум вақт ва маблағни талаб қилади. Ундан ташқари, чигитдан олинадиган кунжарадан, таркибида госсипол борлиги сабабли, ҳайвонлар учун озуқа сифатида катта миқдорда ишлатиб бўлмайди. Шунинг учун, чигитида госсипол моддаси бўлмаган, ёки унинг зарарсиз шаклига эга бўлган ғўза навларини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда ғўза селекциясида эришилган катта ютуқларга қарамадан, селекцион изланишларнинг баъзи жиҳатлари, жумладан, ғўза генофондидаги коллекция намуналари орасидан чигитида госсипол миқдори паст, ёки госсиполнинг зарарсиз шакли, яъни (+)-госсиполи бўлганларини аниқлаш ҳамда уларни селекция жараёнига тадбиқ этиш орқали мазкур белгига эга навлар селекцияси учун бошланғич ашёлар яратиш деярли ўрганилмаган. Хўжалик учун қимматли белгилари ҳамда чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган ғўза навларининг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва озиқ-овқат саноатидаги самарадорлигини инобатга олиб, ушбу йўналишдаги илмий изланишлар долзарб масалалардан ҳисобланади. Республикамизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, ғўза экин майдонларини кенгайтирмасдан ҳосилдорликни сақлаб қолиш

вазифаси долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида белгиланган «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифаси билан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган ¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29-декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилona жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ғўзада госсипол моддаси, шакллари ва унинг аҳамиятини ўрганиш ҳамда ғўза селекциясида генетик жиҳатдан юқори навдорликка эга бўлган навларни яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: United States Department of Agriculture (USDA), Agricultural Research Service, Southern Plains Agricultural Research Center (АҚШ), Louisiana Agricultural Experimental Station, Louisiana State University Center; USDA/ARS, Agricultural Cotton Research Institute of the Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Central Institute for Cotton Research Nagpur (Ҳиндистон), Australian Centre of International Agricultural Research (Австралия), Cotton Research Institute, Agriculture Research Institute (Покистон)да илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ғўза селекциясида генетик жиҳатдан бойитилган, қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган ҳамда госсиполсиз ғўза навларини яратиш борасида ўтказилган кенг миқёсдаги изланишлар натижасида, илк маротаба АҚШда ўрта толали Грегг-25 ва CZ-16, Хитойда – Дун 5-151, Ўзбекистонда – Бухоро-9 навлари ҳамда Мисрда Бахтим-110

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ингичка толали нави яратилган. Покистонлик селекционерлар томонидан (*Central Cotton Besearch Institute Multon*) госсипол моддаси йўқ бўлган *G. arboreum* x *G. australe* ғўза тетраплоиди яратилган. Тадқиқотлар натижасида госсипол безлари пайдо бўлишига жавобгар ва унинг намоён бўлишини бошқарадиган генларни аниқлашган. Бир қатор олимлар томонидан янги госсиполсиз ғўза навларини яратиш борасида изланишлар олиб борилган.

Мамлакатимизда биринчи мартаба, чигити таркибида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган бошланғич ғўза ашёларини яратиш, турли миқдордаги умумий, (+) ва (-)-госсиполнинг касалликларга таъсири ҳамда зараркунандаларга чидамлилиги билан боғлиқлик даражасини ўрганиш юзасидан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг «Ўза генетикаси ва цитологияси» лабораториясида кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўза турлари ва навларидаги госсипол миқдори ва шакллари ўрганиш бўйича хорижий пахта етиштирувчи давлатларда R.D.Stipanovic, A.A.Bell, G.T.Bottger et. al., L.Blackstaffe et. al., Q.B.Cass et. al., J.Cheng et. al., D.M.Zhou et. al., N.M.Dale et. al., V.L.Frampton et. al., D.A.Gamboa, S. Ganesean et. al., M.Gonzalez-Garza et. al., R.J.Hron et. al., J.W.Jaroszewski et. al., Kakani R. et. al., H.Li, X.He et. al., R.D.Randel et. al. ва бошқалар, Ўзбекистонда эса, Г.Н.Нуримов, А.С.Садиқов, А.Н.Баталов, С.Р.Раҳмонқулов ва бошқа олимлар томонидан умумий госсипол миқдорини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ўтказилган. АҚШ олимлари L.Blackstaffe, A.E.Joseph, N.G.Wang томонидан госсиполнинг икки хил актив оптик энантиомерлари, яъни (+)-ва (-)-госсипол мавжудлиги ҳамда *Gossypium hirsutum* L. навлари ичида (+)-госсиполнинг (-)-госсиполга нисбати 3:2 эканлиги аниқланган. АҚШ олимлари томонидан ғўзанинг *G. hirsutum glabrum f. marie galante* кенжа туридан маданий навларга (+)-госсипол белгисини ўтказиш бўйича изланишлар олиб борилган.

Хорижлик олимлар томонидан госсиполнинг (+)- ва (-)-шакллари кавш қайтармайдиган ҳайвонларда турлича заҳарланишга олиб келиши аниқланган. С.А.Bailey at. al., A.A.Bell at. al., D.F.Wu et. al., M.C.Lindberg et. al., A.E.Joseph et. al., N.G.Wang et. al., каби олимларнинг фикрича, юқори миқдордаги (+)-госсипол белгисини маданий навларга ўтказиш кавш қайтармайдиган ҳайвонларни қимматли озуқа билан таъминлашда муҳим ҳисобланади. Республикамизда (+)-госсиполни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар Ш.Э.Намазов, Р.А.Юлдашева, И.Ғ.Амантурдиев, Т.А.Раҳимовлар томонидан амалга оширила бошланган. Бироқ, чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган ғўза навларини яратиш ва бундай навлар чигитидан олинадиган озуқадан фойдаланиш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган ғўза навларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда паррандачиликда озуқа сифатида фойдаланиш имкониятларини ўрганиш борасидаги изланишлар ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга долзарб йўналиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти USDA UB-ARS-43 «Кавш қайтарувчи ва кавш қайтармайдиган ҳайвонларни боқишда фойдаланиш учун чигитида (+)-госсиполи юқори бўлган ғўза навларини яратиш» (2004-2006 йй.) ва USDA CRDF Uzb2-31001-TA-08 «Кавш қайтармайдиган ҳайвонларни боқишда фойдаланиш учун чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган ғўза навларини яратиш» (2008-2013 йй.) халқаро грантлари ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-8-119 «Чигитида (+)-госсиполи миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга, касаллик ва зараркундаларга мажмуавий чидамли бўлган ғўза навини яратиш» (2012-2014 йй.); ҚА-8-002 «Мураккаб дурагайларда хўжалик учун қимматли белгилар ҳамда биотик, абиотик омилларга толерантликнинг айрим биокимёвий кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганиш асосида генетик жиҳатдан бойитилган ғўза тизмаларини яратиш» (2015-2017 йй.); ВА-ҚХФ-5-027 «Турли дурагайлаш тизимлари асосида яратилган янги ғўза тизмалари ва навларининг хўжалик учун қимматли белгилари ҳамда биотик омилларга бардошлилигининг генетик ва биокимёвий механизмларини аниқлаш» (2017-2020 йй.); МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-140 «Тезпишар, тола чиқими 40-41%, тола сифати IV-типга мансуб ҳамда нисбатан вилтга бардошли ўрта толали янги ғўза навини яратиш ва Давлат нав синовиға топшириш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эколого-географик ва генетик узок чатиштиришлар орқали яратилган дурагайлар чигитидаги (+)-госсипол миқдори ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва корреляциясини таҳлили асосида ушбу белгиларнинг ижобий мажмуасига эга, генетик жиҳатдан бойитилган ғўза навлари ва селекцион ашёларини яратиш ҳамда чигитидан паррандалар рационида озуқа сифатида фойдаланиш имкониятларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

эколого-географик ва генетик узок чатиштириш услуги орқали чигитдаги (+)-госсипол миқдори ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва юқори авлодларда шаклланиш қонуниятларини аниқлаш;

яратилган юқори авлод дурагайлари чигитидаги (+)-госсипол миқдорининг айрим хўжалик учун қимматли белгилар билан бўлган корреляцион боғлиқликлар даражасини аниқлаш;

чигитида (+)-госсипол миқдори турлича бўлган юқори авлод дурагайларидаги эркин аминокислоталар миқдорининг вилт касаллигига бардошлиликка таъсирини аниқлаш;

яратилган чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган янги ғўза оилалари ва тизмаларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг барқарорлашув жараёнини таҳлил қилиш;

чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган генетик жиҳатдан бойитилган ғўза навлари ва селекцион ашёларини яратиш;

чигитида (+)-госсипол миқдори турлича бўлган ғўза навлари ҳамда тизмалари чигитидан тайёрланган озуқанинг паррандалар рационига турли миқдорларда қўшишнинг патологик таъсирини аниқлаш;

чигитида (+)-госсипол миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга бўлган янги яратилган ғўза навларини генетик ва селекцион тадқиқотларга ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида чигитида (+)-госсипол миқдори юқори $BC_3S_1-1-6-3-15$ ва $BC_3S_1-47-8-1-17$ АҚШ ғўза намуналари, маҳаллий С-6524, С-6530, С-6532 навлари ва Т-10/04, Т-16/04 тизмалари ҳамда уларни чапиштириш орқали яратилган турли авлод дурагайлари, оилалари, тизмалари ҳамда навлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети чигитдаги (+)-госсипол миқдори ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва корреляциясини аниқлаш, чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган янги ғўза навларини яратиш, (+)-госсипол миқдори турлича бўлган чигитдан олинган озуқанинг жўжаларни озуқа рационига қўшишнинг патологик таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ўтказилган. Белгиларнинг доминантлик коэффициенти S.Wright формуласи орқали аниқланган. Ўрганилган нав, тизма, намуна ва дурагайлар чигитидаги умумий ва (+)-госсипол миқдори борасидаги таҳлиллар ЎзР ФА Биорганик кимё институтида ўтказилди. Чигит таркибидаги майдан А.И.Глушенкова, С.Ю.Юнусов услубий қўлланмаси асосида тозаланди. Госсипол таҳлили эса А.Л.Маркман, В.П.Ржехин ва V.L.Frampton, J.D.Edwards бўйича, (+)-госсипол миқдорини аниқлаш HPLC ускунасида Hron ва бошқалар услублари асосида амалга оширилди. Толанинг сифат кўрсаткичлари OzDSt604-2001 стандартига асосан замонавий HVI дастгоҳида аниқланган. Барча математик ва статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов (1985) кўрсатган услублари асосида амалга оширилган.

Товуқларни озиклантириш Ш.А.Имангулов, И.А.Егоров, Т.М.Околелова ва бошқаларнинг «Рекомендации по кормлению сельскохозяйственной птицы» (1999) нормативлари асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

АҚШ намуналарига хос чигитдаги юқори (+)-госсипол миқдорининг F_1 авлодда доминант тарзда ирсийланиши, F_2-F_3 авлодларда белги бўйича ижобий трансгрессия юз бериши ҳамда чигитида (+)-госсипол миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори ижобий мажмуасига эга бўлган ўсимликларни танлаш асосида ушбу белгилар бўйича қимматли селекцион ашёлар яратилган;

юқори авлод ғўза дурагайлари чигитидаги (+)-госсипол миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланиш ҳамда барқарорлашув жараёнини таҳлил қилиш асосида ушбу белгиларнинг аксарияти F₄-F₉ авлодларда барқарорлашиши асосланган;

яратилган дурагайлар чигитидаги (+)-госсипол миқдори билан айрим хўжалик учун қимматли белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар асосан кучсиз салбий ва ижобий эканлиги аниқланган;

юқори авлод дурагайлари ўсимликларида эркин аминокислоталар миқдорининг ошиши вилт касаллигига бардошлигига юқори бўлишига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган;

таркибида умумий ва (+)-госсипол миқдори турлича бўлган чигитдан бройлер жўжаларнинг озуқа рационига қўшишнинг патологик таъсирини ўрганиш асосида (+)-госсипол миқдори 92% ва умумий госсиполи 0,02% бўлган чигитдан тайёрланган кунжарадан 5% ва 10% миқдорда дастлабки 3 ҳафта мобайнида жўжаларнинг озуқа рационига қўшиб боқишдан тайёрланган жўжа гўшти биокимёвий ва бактериологик кўрсаткичлари бўйича соғлом жўжа гўштига мос келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эколого-географик ва генетик узоқ чатиштириш услуги орқали чигити таркибида (+)-госсипол миқдори юқори ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган янги Т-421/34, Т-225/34, Т-960-70, Т-404-05, Т-6970 тизмалари ҳамда О-439-440/2012, О-695-96/2014, О-441-42/2012, О-378-79/2013, О-697-700/2014, О-473-74/2013, О-341-42/2012, О-234-55/2013 оилалари яратилган. Ушбу ғўза тизмалари ва оилаларидан амалий селекция жараёнида хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори мажмуасига эга бўлган бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилган;

ўтказилган тадқиқотлар асосида таркибида (+) госсипол миқдори 92% ва умумий госсиполи 0,02% бўлган чигитдан тайёрланган кунжарадан жўжаларнинг озуқа рационига 5% ва 10% миқдорда қўшиб, дастлабки 3 ҳафта мобайнида боқиш орқали етиштирилган гўшт биокимёвий ва бактериологик кўрсаткичлари бўйича соғлом жўжа гўштига мос келиши аниқланган ҳамда ушбу чигитдан тайёрланган кунжарадан жўжаларнинг озуқа рационига 5% ва 10% қўшиб дастлабки 3 ҳафта мобайнида боқишда фойдаланиш тавсия этилган;

илмий изланишлар натижасида янги яратилган тезпишар, ҳосилдор, чигитида (+)-госсипол миқдори юқори, вертициллёз вилтга бардошли ва тола сифати IV типга мансуб бўлган Т-421/34, Т-225/34, Т-960-70, Т-404-05, Т-6970, Т-404-05, Т-6970 тизмалари ҳамда С-7301 ва С-7306 навлари ғўза генетикаси ва селекцияси борасидаги тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган;

илмий изланишлар натижасида чигитида (+)-госсипол миқдори >90%, вертициллёз вилтга бардошли, юқори ҳосилдор, тезпишар ва толаси IV-типга мансуб бўлган С-7301 ва С-7306 ғўза навлари яратилган, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг синовидан ўтиш билан бир қаторда Дастлабки уруғ кўпайтириш хўжаликларида кўпайтирилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг турли услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг асосланганлиги ҳамда натижаларнинг таққосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда беккросс чатиштириш услублари орқали яратилган дурагайларда (+)-госсипол миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва барқарорлашув қонуниятларининг илмий асосланганлиги, дурагайлар чигитидаги (+)-госсипол миқдорининг айрим хўжалик учун қимматли белгилар ўртасида корреляцион боғлиқликларнинг аниқланганлиги, таркибида (+)-госсипол миқдори юқори (>92%) бўлган ғўза навлари чигитидан тайёрланган кунжаранинг жўжаларни озуқа рационига қўшишнинг патологик таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чигити таркибида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган юқори авлод ғўза дурагайларида ва хўжалик учун асосий қимматли-хўжалик белгилар мажмуаси бўйича андоза навлардан яққол устунликка эга бўлган янги С-7301, С-7306 навлари ва Т-421/34, Т-225/34, Т-960-70 тизмаларининг яратилиши ҳамда амалий селекция жараёнида қўллаш учун тавсия этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза генетикаси ва селекцияси борасидаги илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

ўрта толали ғўзанинг С-7306 нави яратилиб, мазкур навга Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулки агентлиги томонидан патент (26.11.2019 й. NAP 00248) олинган ва 2019 йилда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига қарашли Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ нав синаш участкасида грунт назорат синовидан ўтказилиб, давлат нав синаш шахобчаларида бошланғич ашё сифатида амалий селекция жараёнларига тадбиқ этилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Марказининг 2019 йил 11 декабрдаги 02/020-4190-сон маълумотномаси). Натижада навнинг наводорлиги 97% ни ташкил этган;

ўрта толали ғўзанинг чигити таркибида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган, *Verticillium dahliae* Kleb.га бардошли, ҳосилдор, тезпишар, тола чиқими юқори бўлган С-7301 ва С-7306 навлари Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Оқ олтин туманлари, Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ҳамда Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ нав синаш участкасида жорий этилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Марказининг 2019 йил 11 декабрдаги 02/020-4190-сон маълумотномаси). Натижада дастлабки уруғ кўпайтириш хўжаликларида нав бўйича 3-5 ц/га қўшимча ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси 25-30% га етказилган;

C-7301 нави 2019 йилда Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Mirzaobod universal trade cluster» МЧЖ пахтачилик кластерида 12 гектар майдонида экилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Марказининг 2019 йил 11 декабрдаги 02/020-4190-сон маълумотномаси). Натижада жами 118 т уруғлик пахта ҳосили етиштирилиб, ушбу уруғлик пахтадан 65 т, яъни 2020 йилда 1300 гектарга етадиган уруғлик чигит олишга эришилган;

эколого-географик узоқ дурагайлаш услублари орқали яратилган Т-421/34, Т-225/34 ва Т-960-70 тизмалари амалий селекция жараёнига тадбиқ этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 02/020-4190-сон маълумотномаси). Натижада андоза С-6524 навига нисбатан 4,5-5,0 ц/га юқори ҳосилдорликка ва 2-3 кунга тезпишарликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та монография чоп этилган ва ғўза навига 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, жумладан, ғўза нафақат толаси, балки чигитидан олинадиган маҳсулотлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланган. Бироқ, ғўза турлари ва навларига боғлиқ равишда чигитдаги ҳайвонлар ва инсон учун зарарли бўлган госсипол моддаси турли миқдор ва шаклларда учраши сабабли, улардан тўғридан-тўғри озуқа сифатида катта миқдорда ишлатиб бўлмаслиги ёритилган. Шунинг учун, ғўза селекцияси борасидаги изланишларда чигитида зарарсиз (+)-госсипол шакли бўлган навлар селекцияси йўналишидаги илмий изланишлар ҳозирги ва келажак замон талабига жавоб берадиган долзарб масала эканлиги асосланган.

Шунингдек, амалга оширилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, изланишлардан олинган натижаларнинг илмий ва амалий янгилиги асослаб берилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғўза дурагайлари чигитидаги госсипол ва бошқа хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, корреляцияси ҳамда турли госсипол шакллариغا эга озуканинг**

хайвонларга таъсирини ўрганиш борасида ўтказилган изланишлар таҳлили» деб номланган биринчи бобида ҳар хил ғўза турлари чигитидаги госсипол миқдори ва унинг шакллариини ўрганиш борасидаги адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, тур ичида, турлараро ҳамда эколого-географик узоқ бўлган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва шаклланиши борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларидан олинган натижалар таҳлил қилинган.

Ғўза чигитидаги госсиполни ўрганишга бағишланган изланишлар таҳлили асосида ғўза турлари, нав-намуналари ҳамда дурагайларида госсипол миқдорининг турлича бўлиши, шунингдек, эколого-географик ва генетик келиб чиқиши жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлган шаклларни чатиштириш асосида яратилган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг турлича тарзда ирсийланиши ва шаклланиши хулоса қилинган. Ундан ташқари, ҳозирги вақтда амалий ғўза навлари селекциясида асосий хўжалик белгилари ва чигити таркибида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган қимматли селекцион ашёлар ва дурагайлардан фойдаланиш ҳамда уларнинг чигитидан олинган озуқа билан паррандаларни боқиш имкониятларини ўрганиш бўйича изланишларни олиб бориш долзарблиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотлар олиб борилган жой ва шароити, тадқиқот манбаи ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқотнинг манбаи, бошланғич ашёлар тадқиқот ўтказиш услублари батафсил ёритилган. Шунингдек, биокимёвий ва паррандаларни боқиш бўйича тадқиқотларни ўтказишда бевосита амалий ёрдам кўрсатган ЎзР ФА Биорганик кимё институтидаги А.Ахунов, З.Голубенко, О.Вешкурова ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ветеринария илмий тадқиқот институти»даги В.Ҳайитов ва бошқа олимларга самимий миннатдорчилик билдирилган.

Диссертациянинг **«Эколого-географик ва генетик узоқ чатиштириш орқали олинган ғўза дурагайлари чигитидаги умумий ва (+)-госсипол ҳамда бошқа хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва корреляцияси»** деб номланган учинчи бобида, илк маротаба, эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш услуби орқали чигитида юқори (+)-госсипол бўлган АҚШ намуналари ҳамда айрим маҳаллий нав ва тизмалари ва уларни чатиштиришдан олинган дурагайларда (+)-госсипол миқдори ва бошқа хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши қонуниятлари аниқланган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш услуби ёрдамида чигитдаги (+)-госсипол миқдори бўйича юқори кўрсаткичга эга ижобий трансгрессив ўсимликларни F₂-F₃ авлодлардан бошлаб танлаш ва уларни оила ҳолида ўрганиш асосида чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган селекцион ашёлар (тизма ва навлар)ни яратишда самарали эканлиги исботланган.

Диссертациянинг **«Эколого-географик ва генетик узоқ ғўза дурагайларида айрим қимматли-хўжалик белгиларининг ўзаро коррелятив боғлиқлиги»** деб номланган бўлимида ўрганилган услублар

асосида яратилган селекцион ашёларда асосий қимматли хўжалик белгиларининг барқарорлашуви ва шаклланиши қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотлар асосида, қўлланилган дурагайлаш услуби орқали улар ўртасидаги корреляция йўналиши ва қийматини ўзгартириш ҳамда селекция ишининг муваффақиятига эришиш мумкинлиги тасдиқланган. Тур ичида эколого-географик ва генетик узок шаклларни чатиштириш орқали яратилган дурагайларда нафақат хўжалик учун қимматли белгилар орасидаги корреляция, балки чигитдаги (+)-госсипол миқдорининг айрим хўжалик учун қимматли белгилар билан корреляцияси ўрганилган.

Тадқиқотлар асосида чигитдаги (+)-госсипол миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг корреляциясини ўрганиш орқали, келгусида (+)-госсипол ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган селекцион ашёларни яратиш истиқболли эканлиги эътироф этилган. Шунинг учун, асосий эътибор чигитдаги (+)-госсипол миқдори билан 1000 дона чигит вазни, бир дона кўсакдаги пахта вазни, маҳсулдорлик, тола чиқиши ва узунлиги каби белгилар билан корреляциясини ўрганишга ҳам қаратилди.

Изланишларимизда F_9 дурагайлари чигитидаги (+)-госсипол билан айрим хўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра, бир дона кўсак вазни белгиси билан (+)-госсипол белгиси орасидаги боғлиқликлар $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва $BC_3S_1-1-6-3-15$ намуналарида кучсиз ижобий (тегишли равишда $r=0,29$ ва $r=0,25$) ҳамда $F_9BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6524$ ва $F_9BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6530$ комбинацияларида кучсиз салбий (тегишли равишда $r=-0,20$; $r=-0,11$) ораликда эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Эколого-географик ва генетик узок F_9 дурагайлари чигитидаги (+)-госсипол миқдори билан айрим хўжалик белгилари орасидаги корреляцион боғлиқликлар, 2015 й.

АҚШ намуналари ва дурагай комбинациялар	Бир дона кўсак Вазни, г		1000 дона чигит вазни, г		Тола чикими, %		Тола узунлиги, дюйм	
	r	t	r	t	r	t	r	t
$BC_3S_1-47-8-1-17$	0,29	0,2	-0,43	-2,0	-0,21	-0,8	-0,27	-1,0
$BC_3S_1-1-6-3-15$	0,25	0,2	-0,17	-0,7	-0,11	-0,6	-0,09	-0,4
$F_9BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6524$	-0,20	-0,8	0,12	0,5	-0,13	-0,2	-0,23	-0,9
$F_9BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6530$	-0,11	-0,5	0,07	0,3	0,08	0,3	-0,26	-0,8

Изланишлар асосида $BC_3S_1-47-8-1-17$ намунаси чигитидаги (+)-госсипол миқдори билан 1000 дона чигит вазни орасида ўртача салбий ($r=-0,43$), $BC_3S_1-1-6-3-15$ намунасида кучсиз салбий ($r=-0,17$) ҳамда $F_9BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6524$ ва $F_9BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6530$ комбинацияларида эса, кучсиз ижобий (тегишли равишда, $r=0,12$ ва $r=0,07$) корреляция мавжудлиги кузатилди.

Тола чикими белгиси билан чигитдаги (+)-госсипол миқдори ўртасидаги корреляция фақатгина $F_9BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6530$ дурагайи комбинациясида

кучсиз ижобий ($r=0,08$) эканлиги, қолган барча комбинацияларда эса, кучсиз салбий бўлиши аниқланди. Ўрганилган барча дурагай комбинацияларда чигитдаги (+)-госсипол миқдори билан тола узунлиги белгиси ўртасида кучсиз салбий корреляция мавжудлиги аниқланди

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, эколого-географик ва генетик узоқ чатиштириш услуби орқали яратилган ғўза дурагайлари чигитидаги (+)-госсипол миқдори билан айрим қимматли-хўжалик белгилар ўртасида асосан кучсиз салбий ва ижобий корреляция мавжудлиги, яъни ушбу белгиларни бошқарувчи генларнинг бир-бирига боғлиқлиги унча кучли бўлмаган тарзда ирсийланиши ҳамда уларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни ажратиб олиш мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда ўрганилган F_7 - F_8 ўсимликларида 1000 дона чигит вазни ва 1 дона кўсак вазни орасида асосан кучсиз коррелятив боғлиқлик кузатилди. 1000 дона чигит вазни ва тола чиқими ўртасидаги боғлиқлик шуни кўрсатдики, $F_7BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6530$ комбинациясида салбий кучсиз ($r=-0,03$), қолган ҳар иккала комбинацияда ҳам жуда кучсиз даражадаги коррелятив боғлиқлик кузатилди. Ушбу белгилар ўртасидаги корреляция фақат $F_8BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6532$ комбинациясида ўрта даражадаги ижобий ($r=0,62$ га тенг) бўлгани аниқланди. Тола чиқими билан тола узунлиги ўртасидаги ўзаро коррелятив боғлиқлик $F_7BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6524$ комбинациясида салбий кучсиз ($r=0,14$), қолган комбинацияларда эса, кучсиз даражада эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Ғўзада эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш асосида яратилган селекцион ашёлар**» деб номланган тўртинчи бобида тезпишарликнинг асосий таркибий қисмлари бўлган «ниҳол ўниб чиқиши – 50% гуллаш» ва «ниҳол униб чиқиши – 50% кўсаклар очилиши» гача бўлган даврларининг шаклланиш жараёни ўрганилган. Тадқиқотлар асосида эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлашда белгининг намоён бўлишига АҚШ намуналарининг келиб чиқишида иштирок этган *G. hirsutum glabrum f. marie galante* ёввойи кенжа турининг таъсири юқори авлодларда ҳам кучли бўлганлиги аниқланди. Ўрганилган аксарият дурагайларнинг кечпишар бўлиши, бироқ, $F_7BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6524$ ва $F_8T-16/04$ х $BC_3S_1-47-8-1-17$ дурагай комбинацияларидан ажратиб олинган О-439-440/2012 ва О-313-314/2013 оилаларининг (тегишли равишда, 110,0 ва 110,5 кун) ўта тезпишар эканлиги исботланган.

Маҳсулдорликнинг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланган бир дона кўсак вазни бўйича чатиштиришда иштирок этган ота-она шакллариининг кўрсаткичи нисбатан паст бўлсада, дурагай авлодларда белги бўйича ижобий трансгрессив ўсимликларнинг кўплаб пайдо бўлиши кузатилди. Дурагай авлодларда кўсак вазни бўйича мақсадли танлаш ва уларни оила ҳолида ўрганиш орқали кўсак вазни йирик ҳамда тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори бўлган тизмалар яратиш мумкинлиги тасдиқланди. Изланишлар асосида юқори F_6 - F_7 авлод дурагайларида комбинацияларга боғлиқ равишда белгининг ўртача кўрсаткичи 6,0-6,4 грамм оралиғида эканлиги ва ўзгарувчанлик даражасининг паст бўлиши аниқланган ҳамда эколого-географик ва генетик

узоқ дурагайлаш услубининг белгини яхшилашдаги самарадорлиги юқори эканлиги тасдиқланган.

Тадқиқотларимизнинг дастлабки босқичида асосий эътибор чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган ўсимликларни танлашга қаратилгани учун аксарият F₆-F₇ дурагайларидан ажратиб олинган оилаларда 1000 дона чигит вазнининг нисбатан паст бўлиши кузатилди. Ушбу натижалар чигит вазни юқори ҳамда белгиларнинг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни танлаш борасидаги селекция ишларини давом эттириш зарурлигидан далолат беради.

Тола чиқими белгиси бўйича дастлабки авлодларда аниқланган кенг ўзгарувчанликнинг юз бериши натижасида ижобий трангрессив шаклларнинг пайдо бўлиши кузатилгани каби, юқори F₅-F₇ дурагайлари орасидан ҳам тола чиқими юқори бўлган ғўза оилаларини танлаб олиш мумкинлиги исботланган. Ушбу белгилар бўйича олинган натижалар асосида эколого-географик ва генетик узоқ дурагайларнинг F₂ авлодидан бошлаб, тола чиқими ва 1000 дона чигит вазни бўйича кенг ўзгарувчанлик кузатилиши ҳамда ижобий трангрессив рекомбинантларни танлаш ва оила холида ўрганиш орқали F₈-F₉ авлодларда тола чиқими 39-43% ва 1000 дона чигит вазни 130-140 г бўлган бир қатор селекцион ашёларни ажратиб олиш мумкинлиги тасдиқланди.

Аввалги йилларда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайларнинг дастлабки авлодларида тола узунлиги бўйича F₄ авлоддан бошлаб танлов ишларини мақсадли равишда олиб бориш орқали тола узунлигининг кескин яхшиланишига эришиш мумкинлиги тўғрисидаги натижаларимизнинг тасдиғи сифатида юқори авлодлар орасидан хўжалик учун қимматли белгилар билан тола узунлигининг ижобий мажмуасига эга ғўза оилалари ажратиб олинди ва амалий селекция ишлари давом эттирилмоқда.

Тур ичида эколого-географик узоқ чатиштириш асосида яратилган янги ғўза оилаларида «ниҳол униб чиқиши – 50% гуллаш» даврининг андоза нав даражасида ёки нисбатан паст даражада шаклланиши аниқланди. Ўрганилган оилаларнинг аксарияти «ниҳол униб чиқиши – 50% пишиш» даври бўйича андоза навга нисбатан 4-10 кунгача тезпишар бўлди. Айниқса, F₈BC₃S₁-47-8-1-17 хС-6530 дурагайидан ажратиб олинган О-695-96/2014, О-697-700/2014 ва О-503-504/2013 оилаларида белги бўйича тегишли равишда 106,3; 106,8 ва 107,0 кунга тенг тезпишарлик қайд этилган.

Тадқиқотларда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайларда тола сифати кўрсаткичларининг шаклланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, халқаро стандартлар талаби асосида таҳлил қилинган (2-жадвал, 1-расм). Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилган 25 та оилаларнинг барчаси микронейр бўйича 4,0 дан 4,9 гача, яъни жуда ҳам яхши кўрсаткични намоён этишди.

Толанинг узилиш узунлиги бўйича ҳам ўрганилган оилаларнинг кўпчилиги андоза С-6524 нави даражасида ёки унга нисбатан паст натижалар намоён этишди. Белги бўйича оилаларнинг ўртача кўрсаткичлари 29,2 г.куч/тексдан (О-187-192/2014) 33,3 гача (О-1089-94/2014) г.куч/текс.гача оралиғида бўлди. Белги бўйича нисбатан юқори натижалар О-109-110 (34,6 г.куч/текс), О-234-

55/2013 (34,2 г.куч/текс), О-1089-94/2014 (33,3 г.куч/текс) ва О-313-314/2013 (33,2 г.куч/текс) оилаларида кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Эколого-географик ва генетик узоқ оилаларда тола сифатининг шаклланиши, 2015 й.


№	№-оила	Намуналар ва дурагай комбинациялари	Mic	Str	Len	Unf
1	О-439-440/2012	F ₇ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17xC-6524	4,5	31,3	1,13	83,6
2	О-501-502/2013	F ₈ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17xC-6524	4,6	31,8	1,15	82,9
3	О-724-727/2014	F ₉ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17xC-6530	4,5	29,9	1,14	82,9
4	О-411-419/2013	F ₈ T-16/04x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	4,7	37,6	1,20	85,5
5	О-526-552	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17xC-6532	4,6	30,3	1,12	82,7
6	О-187-192/2014	F ₉ C-6524x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	4,7	29,2	1,13	82,5
7	О-419-20/2012	F ₇ C-6530x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	4,7	31,6	1,13	82,6
8	О-473-74/2013	F ₇ C-6532x BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15	4,8	31,2	1,15	84,3
9	О-341-42/2012	F ₇ T-16/04x BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15	4,8	30,9	1,16	83,6
10	О-131-132/2012	F ₇ T-10/04x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	4,3	31,0	1,17	84,2
11	О-234-55/2013	F ₈ T-10/04x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	4,9	34,2	1,12	84,7
12	О-378-79/2013	F ₈ T-10/04x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	4,1	30,9	1,18	83,4
13	О-243-46/2013	F ₈ T-16/04x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	4,3	30,5	1,15	83,8
14	О-313-314/2013	-//-	4,0	33,2	1,20	85,2
15	О-607-608/2014	-//-	4,1	29,7	1,18	83,9
16	О-625-28/2013	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 x C-6532	4,6	32,0	1,16	83,5
17	О-811-12	F ₇ C-6524xBC-4PL-12	4,3	32,3	1,22	85,8
18	О-109-110/	F ₇ C-6532xBC-4PL-12	4,6	34,6	1,21	85,7
19	О-119-120	F ₇ C-6524xBC-4PL-12	4,3	30,6	1,08	82,0
20	О-1089-94/2014	F ₁₁ BC-8PL-14xC-6524	4,4	33,3	1,17	85,3
21	О-928-29/2014	F ₈ BC-8PL-14xОмад	4,3	31,6	1,19	84,5
22	О-524-25/2012	F ₉ BC-4PL-10xC-2609	4,1	31,9	1,18	84,6
23	О-1061-1062	F ₉ BC-4PL-10xC-2609	4,6	30,8	1,16	83,7
24	О-1076-1080	F ₁₁ BC-4PL-10xC-2609	4,0	30,9	1,20	84,6
25	С-404-405/2010	С-404-405/2010	4,4	32,2	1,11	83,4
26		С-6524	4,2	31,8	1,13	84,1

Тола узунлиги бўйича ҳам аксарият янги ғўза оилалари жуда юқори натижа кўрсатишди. Айниқса, О-811-12 (1,22) ва О-109-110 (1,21) оилаларида толанинг узунлиги юқори эканлиги аниқланди. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида яратилган ғўза оилаларининг аксариятида толанинг сифатини белгиловчи муҳим белгилардан ҳисобланган микронейр кўрсаткичи 4,0-4,6, толанинг нисбий узилиш узунлиги 30,0-35,0 г.куч/текс ва тола узунлиги 1,18-1,24 дюйм эканлиги ҳамда тола сифати тўлиқ IV-типга жавоб бериши аниқланди.

Умуман олганда, амалга оширилган тадқиқотлар асосида яратилган янги ғўза оилаларини толанинг технологик кўрсаткичлари бўйича ўрганиш асосида олинган натижаларимиз эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш

услугбининг тола сифатини яхшилашда самарали услуб эканлигини хулоса қилиш имкониятини беради.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, беккросс дурагайлаш орқали янги яратилган 6 та ғўза оилаларидан фақатгина 1 таси (О-725-26/2013) андоза С-6524 навига нисбатан дағал (5,0) микронейрни, қолган оилалар эса, 4,1 дан 4,5 гача, яъни майин микронейр кўрсаткичини намоён этишди. Айниқса, О-606-607/2013, О-913-14/2013 ва О-725-26/2013 (тегишли равишда, 36,8; 35,7 ва 34,1 г.куч/текс) оилаларида толанинг узилиш узунлиги жуда юқори эканлиги тасдиқланди. Бироқ, О-882-83/2014 (28,8 г.куч/текс) ва О-448-449/2012 (31,7 г.куч/текс) оилалари андоза С-6524 навига нисбатан паст кўрсаткич намоён этганини таъкидлаш зарур (1-расм).



1-расм. Беккросс оилаларда тола сифати кўрсаткичларининг шаклланиши, (2015 й.)

Тола узунлиги бўйича олинган натижалар беккросс дурагайлаш орқали яратилган барча янги ғўза оилаларининг андоза С-6524 навига нисбатан юқори устун эканлигини кўрсатди. Айниқса, О-425-28/2014, О-913-14/2013 ва О-753-754/2013 оилалари толасининг узун (тегишли равишда 1,20; 1,18 ва 1,18 дюм) эканлигини таъкидлаш мумкин.

Умуман олганда, аввалги йилларда беккросс дурагайлаш орали яратилган ғўза оилалари толасининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш борасидаги изланишларимиздан олинган натижалар, эколого-географик ва генетик узоқ беккросс дурагайлаш услубининг тола сифатини яхшилаш бўйича самараси юқори эканлигини хулоса қилиш имкониятини беради.

Тур ичида эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда беккросс дурагайлаш орқали яратилган айрим ғўза оилаларининг толасини сифат кўрсаткичларини таҳлили асосида, толанинг узилиш кучини яхшилашда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлашга нисбатан беккросс чатиштиришнинг, тола узунлигини яхшилашда ҳар иккала услубнинг самараси юқорилигини, толанинг микронейр ва бир хиллик индекси кўрсаткичлари бўйича эса, қўлланилган

дурагайлаш услубларининг самараси унча юқори эмаслигини хулоса қилиш мумкин. Тадқиқотлар асосида яратилган хўжалик учун қимматли белгилари ҳамда толасининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги ғўза оилалари генетика ва селекция борасидаги назарий ҳамда амалий изланишларда фойдаланиш учун тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш орқали яратилган ғўза оилаларининг *Verticilium dahliae* Kleb. билан касалланиш даражаси**» деб номланган бешинчи бобида эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда бекросс дурагайлаш орқали яратилган ғўза оилаларининг дала шароитида вилтнинг аралаш ирқлари билан табиий зарарланган муҳитдаги касалланиш даражаси таҳлил қилинди.

Олинган натижалар ўрганилган оилалар орасида О-445-46/2012, О-501-502/2013, О-697-700/2014, О-473-74/2013, О-313-314/2013, О-991-992/2013, О-928-29/2014 ва С-404-405/2010 оилалари андоза С-6524 навига (13,5%) нисбатан вилт билан умумий даражада 4-5% кам зарарланди. Ушбу оилаларнинг кучли даражада вилт билан зарарланмаганлиги, яъни аввалги йилларда белги бўйича ўтказилган танлашнинг самарали эканлигини тасдиқлади. Тадқиқот натижалари асосида эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш услуби орқали *Verticilium dahliae* Kleb. га нисбатан бардошли селекцион ашёлар яратиш мумкинлиги хулоса қилинди.

2016 йилда ўтказилган тадқиқотларда эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда бекросс дурагайлаш орқали яратилган янги ғўза оилаларини вилтнинг аралаш ирқлари билан касалланган дала шароитидаги зарарланиш даражасини таҳлил қилиш давом эттирилди. Олинган натижалар янги яратилган ғўза оилаларининг умумий даражада вилт билан турли даражада касалланишини, кучли даражада эса, умуман касалланмаслигини тасдиқлади. Вилт билан умумий даражада касалланиш бўйича О-445-46/2012, О-695-96/2014, О-411-419/2013, О-187-192/2014, О-513-14/2014, О-33-34/2013 оилаларида андоза навга нисбатан камроқ касалланиши кузатилган бўлса, О-77-78/2013 оиласи эса, андоза навга (6,1%) нисбатан энг кам (2-2,5%) зарарланишни намоён этди.

Диссертациянинг «**Чигитида (+)-госсипол миқдори турлича бўлган дурагай ўсимликларидаги эркин аминокислоталар миқдорининг вилт касаллигига бардошлиликка таъсири**» деб номланган бўлимида чигитида госсипол миқдори ва шакллари турлича бўлган айрим ғўза навлари, тизмалари ҳамда эколого-географик ва генетик узоқ чатиштириш орқали яратилган ғўза дурагайлари ўсимликларининг вилт касаллигига бардошлилигига эркин аминокислоталар миқдорининг таъсири таҳлил қилинди.

Маълумки, республикамызда экилаётган ғўза навларининг вертициллёз вилт билан касалланиши натижасида пахта ҳосили сезиларли миқдорда камайиб кетиши кузатилади. Шунинг учун, тадқиқотларимизда чигитида госсипол миқдор ва шакллари турлича бўлган селекцион ашёларнинг вертициллёз вилтга бардошлилигига эркин аминокислоталар миқдорининг таъсири таҳлил қилинди.

Олинган маълумотлар вилт билан энг юқори даражада (26,6%) зарарланган F₃C-6524 x BC₃S₁-1-6-3-4-15 комбинациясида эркин аминокис-

кислоталарнинг умумий миқдори паст эканлигини (фақат цистеин миқдори ошган) кўрсатди. Ушбу намуна иштирокидаги реципрок F₄BC₃S₁-1-6-3-4-15 х С-6524 комбинациясида эса, глютамин, глицин, валин, аспарагин ва цистеин миқдори юқори эканлиги аниқланди. Тадқиқотларимиз республикада кенг районлашган ва чигити таркибида (+)-госсипол миқдори нисбатан паст бўлган Наманган-77 навида вертициллёз вилт билан зарарланиш оқибатида эркин аминокислоталар миқдори сезиларли даражада ўзгарганлигини кўрсатди. Яъни, ушбу нав ўсимликларида аминокислоталар миқдорининг кескин пасайиши (69%), айниқса, серин миқдорини 2,6 марта, глицин ва аспарагин миқдорининг 2,7 марта ҳамда цистеиннинг 8,2 марта камайиши кузатилди. Ушбу натижа ҳам эркин аминокислоталар миқдори вилтга бардошлиликка таъсир этишидан далолат беради.

Тадқиқот натижалари чигити таркибида умумий госсипол миқдори нисбатан паст бўлган госсиполсиз БГ тизмаси ўсимликларининг вертициллёз вилт замбуруғи билан зарарланиши оқибатида эркин аминокислоталар миқдори 27% га ошганлигини кўрсатди. Шунингдек, ушбу тизмада серин, глицин, аспарагин, лейцин, аланин, фенилаланин ва триптофан каби аминокислоталар миқдорининг ошиши билан бир қаторда глютамин, цистеин, трионин ва гистидин аминокислоталарининг миқдорини камайиши аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Чигитида (+)-госсипол миқдори турлича бўлган ғўза тизма ва навларидаги эркин аминокислоталар миқдорининг вилт касаллигига бардошлиликка таъсири

Нав ва тизмалар	Соғлом ўсимликлардаги аминокислоталар миқдори (мг/г)	Касалланган ўсимликлардаги аминокислоталар миқдори	<i>Verticillium dahliae</i> Kleb билан касалланиш даражаси, %
Наманган-77	41,06	12,61	26,60
БГ	17,50	24,08	12,00
Т-16/04	55,27	35,28	10,0
МГ-02	35,95	30,77	5,0
F ₃ C-6524х BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15	49,34	45,86	25,40
F ₄ BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15хС-6524	27,70	36,21	23,10
F ₆ BC ₃ S ₁ -1-6-3-4-15хС-6532	28,96	43,53	9,09
F ₅ T-10/04 х BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	39,93	42,39	0,0
